



ТОШКЕНТ ХАЛҚ КАТАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

● 135 (8625).

● 17 июль, 1985 йил

● ЧОРШАНБА

● Баҳоси 3 тийин.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ЙЎЛИ

Партиянинг XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларинда мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини итисево ривожланиши йўлига ўтказиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Давримиз, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи, белгиланган юксак иқтисодий ва социал режаларнинг муваффақиятли амалга ошириши мақсадлари шуни тақозо этмоқда. Бунга эса аввало, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўли билан эришиш мумкин. Бу меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, асосий ишлаб чиқариш фондлари самардорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

В. И. Ленин фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш коммунизминг барпо этишининг энг асосий омилларидан бири деб ҳисоблади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати улуг доҳийнинг бу васиятларига амал қилиб, фан ва техникани ривожлантиришга зўр эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитетинда фан ва техникани жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгаш ҳам шундай ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Кенгашда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш самардорлигини, маҳсулот сифатини ошириш, халқ фаровонлигини кўскайтириш, бунинг учун ҳамма ресурсларни қилдириб топиб, ишга солиш ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифа эканлиги яна бир бор кўрсатиб ўтилди. Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам бу кенгаш кўрсатмаларини яқинлик билан маъқулладилар. Улар шу кунларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан амалга оширган ишларини сарҳисоб қилмоқдалар, келажакда қилинадиган ишлари режасини тузмоқдалар.

Область партия ҳўжалик активининг яқинда бўлиб ўтган йилги йилда бу масала зўр қизиқиш ва манфаатдорлик билан атрофича муҳокама қилинди.

Эн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида областимиз халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида фан ва техника ютуқларини прогрессив технология жараянларини жорий қилишга, фан-техника программалари топириқларини амалга оширишга қаратилган муайян ишлар қилинди. Биргина ўтган йили саноат корхоналарида юздан ортиқ механизацияланган поток ва автомат линиялар ишга туширилди. Олтинчи иккинчи комплекс механизацияланган ва автоматлаштирилган участкалар, цехлар, ишлаб чиқаришлар ташкил этилди.

Янги асбоб-ускуналар, машина механизмларини ўрнатиш, уларнинг эскириб қолганларини модернизация қилиш, рақамли программалар бошқариладиган агрегатлар, роботлар, манипуляторларни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган қўлпаёл техникани таъдирлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, 86 та автомат манипуляторлардан фойдаланиш йўлга қўйилди, юзга яқин рақамли программалар бошқариладиган металл қирқкиш станокли ўрнатилди. Индустриализмнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган машинасозликда металл теккайдиган замонавий технологияларни қўллаш, металлга ишлов бериш прогрессив асбоб-ускуналар паркни кенгайтирди. Ёнгил саноат корхоналарида юксак сифат потоклари қўлаймоқда. Капитал қурилишда заводда тайёрланган деталлар, конструкторлар ва блоклардан фойдаланиш кенгайтирди, комплекс-блок усули тобора кўпроқ ишлатилмоқда.

Ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, конструкторлик бюрolari, илмий-тадқиқот институтларида меҳнат қилаётган иxtирочилар, конструкторлар, илмий ходимлар, рационализаторлар фан-техника тараққиётини, ишлаб чиқариш жараянларини тақомиллаштириш, янги техника ва прогрессив технологияларни яратишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг ижодий изланиш мевалари ҳисобланган иxtиролар ва рационализаторлик тақлифларидан фақатгина ўтган йили 30 минг 582 таси жорий қилинди. Бундан қўрилган иқтисодий самара эса 124 миллион сум-лидан ҳам ортиқроқ бўлди.

В. П. Чаков номдаги Тошкент авиация, «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги, Чирчиқ трансформатор, «Ўзбексммаш», «Подъёмник» заводлари, Ўзбекистон исоҳика чидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинати, «Ўзэлектромонтаж» трести ҳамда ўнлаб бошқа саноат корхоналарида прогрессив технология, янги техникани, иxtиролар ва рационализаторлик тақлифларини жорий қилишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Областимиз икономикасининг барча тармоқларида техника тараққиётини жадаллаштиришнинг мавжуд имкониятлари ва резервларидан тўла-тўки фойдаланилмаётганлиги ҳам сир эмас. Бу муҳим соҳада қўлдан-қўп нуқсонлар ва камчиликларга йўл қўйилмоқда, ишлаб чиқаришнинг қўлоқ участкаларини тақомиллаштиришга етарли эътибор берилмапти.

Умуман олганда областимиз халқ ҳўжалигинда янги техника ва прогрессив технологияларни жорий қилиш, улардан фойдаланиш қўлдан-қўл бўлмапти, ҳозирги юксак талабларга жавоб беришга, икономикамиз олдига қўйилган катта ва масъулиятли вазифалардан сезиларли даражада оракда қолган. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ҳар йили янги техника ва илгор технологияларни жорий қилиш, бу билан ишлаб чиқаришнинг тақомиллаштириш, унинг механизация ва автоматлаштириш даражасини ошириш, қўл меҳнат сарфини камайтириш, иш шартонларини яхшилашга эришиш юзасидан қўллаб ташкилий-техникани таъдирлар белгилайдилар. Афсуски, шу фойдали ишларнинг ҳаммаси ҳам амалга ошмавермайдиган, анчунга қисми қорозда қолиб кетди.

Цемент ишлаб чиқаришда клинкерни паст ҳароратда қуйдириш технологиясини жорий қилишдаги аҳвол бунга мисол бўлаолмай. Республикамиз олимлари бу илгор технологияни кашф қилганларига ҳам 15 йил бўлди, ҳатто тажриба-саноат қурилмаси ҳам қурилди. Лекин бу иш ҳамон тажрибадан нарига ўтгани йўқ. Оқангар ва Бекобод цемент корхоналарида бу прогрессив технологияни тезроқ қўлланиш учун барча зарур чоралар қўйилмапти.

Қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги, қурилиш индустрияси, бинокорлик материаллари саноати корхоналари, бинокорлик ташкилотлари ва қатор бошқа индустрия тармоқларида янги техника ва илгор технологияларни жорий қилиш жуда сирт бормоқда. Уларда маънавий ва жисмоний ишларни чиқариш, эскириб қолган машина-механизмлар ва асбоб-ускуналар, технологик линиялардан фойдаланилмоқда. Уларни янгиллаш, лоақал модернизация қилиш халқ ҳўжалигинга катта наф келтирган бўлур эди, ишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини оширади.

Қатор ёнгил саноат корхоналарида юксак сифат потоклари секинлик билан ташкил этилмоқда. Айрим корхоналар раҳбарлари эса асосий ишлаб чиқаришнинг техник даражасини оширишга катта аҳамият берганлари ҳолда ёрдамчи ишлаб чиқаришда қўл меҳнатини механизациялашга ҳануз ғоят кам эътибор билан қарайдилар. Бу мақсадга маблагларнинг жуда оз қисминини ажратилмоқда. Бу муҳим масалада дарҳол тартиб ўрнатиш, ёрдамчи ишлаб чиқаришда қўл меҳнатини бартараф этиш асосий ишлаб чиқаришдаги нисбатан икки баравар кам ҳажрат талаб қилишини унутмаслик керак.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида фан ва техника ҳамкорлигининг, инженер-техниклар, илмий кадрлар, конструкторлар, иxtирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг роли беиҳвола ошиб кетди. Улар фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, кун-гайратларини янги техника, илгор технологияларни яратиш ва жорий қилишга сафарбар этиш лозим. Ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида фан ва техника ютуқларини, илгор тажрибани, прогрессив технологияларни жорий қилиш юзасидан белгиланган таъдирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш лозим.

АДРЛАРИМИЗ ХИРМОНИ

◆ ПАРКЕНТ райони гал-
лакорларининг йутуғи шу
райондаги «Ленинбод»
совхозининг Тожикбой Пир-
назаров бошчилиги қилаёт-
ган бригадаси деҳқонлари

ҳам салмоқли ҳисса қўш-
дилар. Бу коллектив аъзолари
1985 йилда 983 гектар лал-
минкор ерларнинг ҳар гекта-
ридан салкам 20 центнердан
дон йиғиштириб олдилар.

Суратларда: (чапдан) брига-
да галлазорларида ўрин-
гич; илгор комбайнчи Қодир
Эргашев; галлани машинага
ортиш пайти.
А. Абалия фотолари.



ТЕРИМ ТЕХНИКАСИ РЕМОНТИ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?

ҚОЗИР область пахта-
зорларида иш айлани қизган
пайт. Июль-август ойлари
ҳосил тўллашда ҳал қилув-
чи давр эканлигини тўғри
тушулган пахтакорлар бар-
ча агротехника таъдирлари-
ни қўлай фурсатларда си-
фатли ўтказишга ҳаракат
қилмоқдалар.

Асосий вазифа — пахта-
зорларда мўл эртаги ҳо-
сил тўллашга бўлмай,
балки етиштирилган ала-
шу «оқ олтин»нинг бирор
мисқолини ҳам далада қол-
дирмай, тез йиғиб-териб
олишдан ҳам иборатдир.
Шунинг учун гўзани ма-
ҳаллий органик ўғитлар бил-
ан озиклантириш, қонди-
риб сугорилиш ва қатор о-
ралирини майин қилиб юмша-
тиш билан бир вақтда пахта
та йиғим-теримда ишла-
тадиган барча техника
воситаларини ҳозирдаюқ
пухта сошлаб, мавсумга
тахт қилиб қўйиш лозим
бўлади.

Ўтган йиллар тажрибаси
шуни кўрсатмоқдаки, пахта
териш машиналарини кўсак
териш ва чувиш механизм-
ларини, транспорт трак-
торлари ва уларга тиркала-
диган тележаларини 10—15
августдан кечикмай тайёр-
лаб қўйиш зарур.

Кўриниб турибдики, вақт
жуда оз қолаётди. Бунинг
ҳисобга олган айрим ҳўжа-
ликларнинг раҳбарлари ва
мутахассислари техника ре-
монтга жиддий ва масъу-
лият билан ёндашиб, асо-
сий машина ва механизм-
ларини беравқт сошлаб қўй-
моқдалар. Айниқса, техника
воситаларини ремонт қи-
лиш, тайёрлаш ва асраш
юзасидан Ўрта Чирчиқ
районидagi Охунбобоев
номли колхоз тажрибасини
қўллаган ҳўжаликлари бу
соҳада яхши натижаларга
эришмоқдалар.

Бирок терим техникасини
мавсумга тайёрлаш ишлари
ҳамма ерда ҳам тез ва соз
олиб бориляпти, деб бўл-
майди. Бир қатор район,
колхоз-совхоз, ҳамда «Гос-
комсельхозтехника» район
бирлашмаларининг раҳбар-
лари ва мутахассислари ўт-
ган йил саботидан тўғри
хулоса чиқариб олмаяпти-
лар. Маълумки, ўтган мав-
сумда қўпгина ҳўжаликлари-
да машина теримни плани
бажарилмади. Раҳбар ва му-
тахассислар эса қўз оёқ-
ваосининг ноқулай келганли-
гини баҳона қилдилар. Ҳол-
буки илгор ҳўжаликларида
ҳеч қандай баҳона-сабаб қи-
дириб ўтирмай, машина ва
механизмлардан унумли
фойдаланиб, бу соҳадagi
планлар ортиғи билан бажар-
илди.

Машина теримни плани-
нинг бажарилмаслигига фа-
қат битта сабаб бўлиши
мумкин, бу — техника во-

ситаларининг сифатсиз ре-
монт қилинганлиги ва
улардан терим мавсуми пай-
тида самарали фойдалана
билмаслиқидир. Масалан,
Бекобод районини олиб қу-
райлик, ўтган мавсумда ма-
шина теримни плани 67 про-
цент бажарилган эди, холос.
Ҳар бир машина билан ўр-
тача 80 тоннадан пахта те-
рилган эди. Ҳўш, бу йил
район ҳўжаликларида те-
хника ремонтининг аҳволи
қандай?

13 июлгача бўлган маъ-
лумотга қараганда районда-
ги мавжуд 432 та пахта те-
риш машинасидан 324 таси
ремонтдан чиқарилган. Бу
ўтган йилдаги суръатдан
анча паст. Районда кўсак
теришдан агрегатлар ва
трактор прицепларини ре-
монт қилиш ҳам суръ бора-
пти. Айниқса, райондаги

иш тўғрисидаги маълумот-
да оққўронлиқлар энг
охирги ўринни эгаллаб тури-
шди. Районнинг асосий
пахтасини етиштириб бе-
ларидан Сегизбоев номли ва
«Оққўрон» совхозларида
ремонт ишларининг жуда
сустлиги, айниқса, ташвиш-
ланарли ҳолдир. Бу икки
ҳўжаликда ҳосилнинг асо-
сий қисми машиналарда йи-
ғиб-териб олинишига қара-
май, техника ремонтга
жиддий эътибор берилма-
пти. Совхоз раҳбарлари
мавжуд 84 та машинадан
74 таси мавсумга шай деб
маълумот берганлар, ле-
кин бу агрегатларнинг би-
рортасини ҳам тракторларга
осиб қўйишнинг таъмин-
ламаганлар. Бунинг сабаби-
ни сўрасангиз тракторлар
ҳозирча дала ишлари би-
лан банд, деган баҳонами

унум билан ишланларини
таъминламайляптилар. Ҳо-
зирги кунда қўпгина ҳўжа-
ликларнинг устаконаларида
фақат машина-трактор парк-
ларининг ишчиларининга ре-
монт билан шуғулланиляпти-
лар. Бу ерда механик-ҳай-
довчиларнинг бирортасини
учратолмайсиз. Текширу-
чилар Галаба райондаги
Киров номли ва «Победа»,
Ўрта Чирчиқ райондаги
Акмал Икромов ва «Комму-
низм», Чиноз райондаги
Охунбобоев номли ва На-
вой номли, Янгиёул райо-
нидаги Калинин номли ва
Ленин номли колхозларда
ана шундай аҳволнинг гу-
воҳи бўлдилар. Ремонтчи-
лари ўзда-жўда бўлганли-
ги учун ҳам бу ҳўжалик-
лардаги терим агрегатлари-
нинг бирортаси махсус ко-
миссия томонидан қабул

қаратишлари, механик-ҳай-
довчиларини ҳам устакона-
ларга жалб этишлари керак.
Терим аппаратлари ос-
тадиган тракторларни ўз
вақтида ремонт қилишни
ҳам унутмаслик зарур. Ҳо-
зир бу тракторлар гўзага
ишлов беришда банд. Шунинг
баҳона қилиб улар ремон-
тини кечта суриб бўлмайди.
Имкони борича тракторлар
ремонтини шу кеча-кундуз-
да бошлаб юборган маъқул.
Бунинг учун ҳамма устакона-
ларда ишни икки смена-
да ташкил этиш, етарли
миқдорда ишчи қўшлари аж-
ратилиш лозим. Шу билан
бирга ремонтнинг сифати
устидан назоратини ҳам ку-
чайтириш зарур бўлади.
Бунинг учун ҳар бир ҳў-
жаликда ишнинг сифатини
текиштирадиган махсус ко-
миссиялар тузиш керак. Уста-
коналарда созловчи сле-
сарлар ва механизаторлар-
нинг юксак унум билан иш-
лашлари, ўз вақтида мада-
ний ҳордиқ чиқаришлари
учун ҳамма зарур шарт-
шаритлар яратилиши лозим.
Ҳўжаликларнинг партия
ва касабасоюз ташки-
лотлари илгорларни мод-
дий ва маънавий рағбатлан-
тириш учун социалистик
мусобақани кенг қўлоқ ёй-
дилар, ремонт ишлари
тезлашди, сифати яхши-
ланади.

Техника ремонтининг
суръати ва сифати «Гос-
комсельхозтехника» об-
ласть ва район бирлашма-
ларининг ўз ишларини йу-
кеча-кундузда қандай таш-
кил этишлари ҳам қўл
жиҳатдан боғлиқдир. Улар
ҳўжаликларида малакали му-
тахассислар билан ҳамда
керакли миқдорда энг за-
рур эҳтиёт қисмлар билан
ердам беришлари керак.
Текширувлар шуни кўрсат-
моқдаки, шу кеча-кундузда
терим агрегатлари учун энг
аввало янги шпинделлар,
поршень ва гильзалар комп-
лести, сува насослари учун
тасмалар ва электр ускуна-
лар жуда зарур. Бу эҳти-
ёт қисмлар кечиктирилмай,
шу кеча-кундузда таъки-
зир берилиши керак.

Ҳозир механизаторлар-
нинг терим мавсумини ҳар
томонлама шай ҳолда қўл-
олишлари учун ҳамма чо-
раларини қурадиган пайти-
дир. Бу йилги пахта ҳосил-
лигини тақдир ремонт иш-
ларининг суръати ва сифа-
тига, механизаторларнинг
маҳоратига, тайрат-шижо-
атларига қўп жиҳатдан боғ-
лиқдир. Ана шундангина
катта меҳнатлар эвазига
етиштирилган ҳосил қис-
қа муддатларда ноубуд қи-
лмай, йиғиштириб олинди.
КПСС XXVII съезди шара-
фига қўл қўйилган юксак
социалистик мажбурят-
лар муваффақиятли ба-
жарилади.

ОҚ ЙЎЛ, ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ!

Ўзбекистон йигит ва қиз-
лари ёшлар ҳамда студент-
ларнинг Москвада ўтадиган
ХII Жаҳон фестивалини
меҳнат ва ўрнида, техник ва
бадий ижодада муваффақият-
лар, спортда янги-янги ре-
кордлар билан қўлиб олмоқ-
далар. Фестивалга тайёргар-
лик кўриш республика ком-
сомилари ва ёшлари қўп
миллионли отрядининг меҳ-
нат тайрати ҳамда сиёсий ак-
тивлигини оширишга янги
омил бахш этди. Мингдан
ош таъабубкорлар ер юзи
ёшлари анжуманига тайёр-
гарлик давомида ўн биринчи
беш йиллик топириқларини
баравқт адо этидилар, ўз кор-
хоналарида зарбдор вахта-
ларни, комсомол шанба-
ларини ўтказдилар, совет
ёшларининг Бутуниттifoқ
фестивалида, умумхалқ бай-
рами — Галаба кўнига ба-
ғишланган ватанпарварлик
таъдирлари ҳамда урушга
қарши таъдирларда фаол иш-
тирок этидилар. Интерна-
ционал дўстлик кечалари,
қўшқ байрамлари, намойиш-
лари ва митинглар, бошқа
таъдирлар билан руҳ билан
ўқиди. Ёшларнинг энг таша-
бубкор ва муносиб намоиш-
далари Москвадаги фести-
валда республикамиз ваки-
ли бўлибди фахрли ҳуқуқ-
ни олдилар.

16 июль куни Ўзбекистон
Компартияси Марказий Ко-
митетинда ёшлар ва студент-
ларнинг ХII Жаҳон фести-
валига қўлаб истаётган рес-
публика делегацияси билан
учрашув бўлди. Ўзбекистон
Компартияси Марказий Ко-
митетининг иккинчи секре-
тари Т. Н. Осетров йигит-
ларга қизларга самийий оқ йўл
таъкидлаб, Ўзбекистон ёшларнинг
муносиб вакиллари бўлишга,
«Имперализмга қарши
бирдамлик, тинчлик ва дўст-
лик учун!» шiori остида
ўтадиган фестивалга қўла-
лини актив пропанданда қи-
лишга, Москва анжумани ку-
рол-сизалини учун курашда яна
бир катта халқаро сиёсий
таъдир, ёшларнинг ёрқин
байрами бўлиб қоллишга қў-
лақчилишга даъват этди.

Учрашувда сўзга чиққан
фестивал қатнашчилари ўз-
ларига билдирилган юксак
ишонч учун Ўзбекистон Ко-
мпартияси Марказий Комите-
тига қизгин миннатдорчилик
ишорат этидилар ва бу ишонч-
ни шараф билан оқлайми,
барча совет йигит ва қизла-
ри билан биргаликда планета
ёшларининг дўстлиги ҳамда
жипслигини, инсониятнинг
тинч келажиги йўлидаги муш-
тарак курашда бирлигини
муштамақлаш ишига янги
саҳифа ёзмаз, деб ваъда
бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон
Компартияси Марказий Ко-
митетининг секретари Р. Ҳ.
Абдуллаева, Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети раис-
ининг ўринбосари С. У. Сул-
тонова иштирок этидилар.

(ЎЗАТ).

Ем-хашак жамғариш кундалиги

ОЗУКА МЎЛ БЎЛАДИ

БРИГАДАМИЗ озукakor-
лари айни кунларда бутун
ҳаракатини мўл ва сифатли
пичан тайёрлашга қаратмоқ-
далар. Чунки қорамоллардан

йил бўйи бирдек юкори маҳ-
сулот олиш қўп жиҳатдан
бизнинг меҳнатимизга боғ-
лиқдир. Ҳозиргача 120 гек-

тар ердаги бездорзорларни
уч марта ўриб олдик.
Мақсадимиз йил охирига-
ча бедани беш марта ўриб
олиш ва 650 тоннадан ортиқ
пичан жамғаришга қаратил-
ган. Шунинг учун озукка
экинларини ўз вақтида озик-
лаштириб, қисқа муддатда
ўриб-йиғиб олишимиз. Етиш-
тирилаётган ем-хашакнинг си-
фатли бўлишини таъминлаш

асосий диққат-эътиборимиз-
да бўляпти. Колхозимиз бў-
йича эса яқин йил охирига-
ча 2300 тонна даят хашак
тайёрлаш режаланган. Ҳо-
зиргача 1500 тоннадан ортиқ
сеная, беда пичани, сомон
ва бошқа озуклар билан
биргаликда 10 тонна ўт уни
жамғарилади. Бундан ташка-
ри 50 гектардаги дон учун
ва шунча ердаги силос учун

эзилган маккажўҳорида
3000 тонна силос бостирила-
ди. Ёзига қарашли 20 гек-
тар ердаги лавлагидан 1400
тонна ҳосил олишга аҳд қи-
лганми.

С. МИРЗААХМЕДОВ.
Тошкент райондаги К.
Маркс номли колхозда озук-
ка етиштириш бригадаси
бошлиғи.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМНИ БАРТАРАФ ЭТАЙЛИК

